

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Республика ихтисослаштирилган
онкология ва радиология илмий
амалий тиббиёт маркази Сирдарё
вилоят филиали директори
С.Д.Урунбаев



**РИО ва РИАТМ Сирдарё вилоят филиали маблағларни тасаруф этиш комиссияси
йиғилиш**

БАЁННОМАСИ № 6

2022 йил “25” “январ”

Гулистон шаҳар

Қатнашдилар: тузилган комиссия аъзолари 5 кишидан иборат

Рузиметов Ш	- комиссия раиси
Юлдашев Н.	- комиссия аъзоси
Хайдаров И.	- комиссия аъзоси
Хожимуротов О	- комиссия аъзоси
Нурматова Г	- комиссия аъзоси
Эркабоева Ф	- котиб

КУН ТАРТИБИ

РИО ва РИАТМ Сирдарё вилоят филиалига керакли бўлган дори-дармон сотиб олиш ва шартнома тузиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга РИО ва РИАТМ Сирдарё вилоят филиали директор ўринбосари А.Тўйчиев сўзга чиқди, у ўз нутқида ҳозирги кунда фуқароларнинг кўп мурожаат қилишлари сабабли уларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида керакли бўладиган сифатли, арзон дори-дармонлар ҳақида ўзининг таклифини киритди.

Шундан сўнг РИО ва РИАТМ Сирдарё вилоят филиали бош ҳисобчиси О.Хожимуротов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг " Давлат харидлари тўғрисида"ги 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ - 684 сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майдаги 3016-сонли рақами билан рўйхатга олинган "Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон "Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг 18 бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқарув миллий агентлиги ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга асосан **РИО ва РИАТМ Сирдарё вилоят филиали** 2022 йил бюджет харажатлари ҳисобидан марказ учун хар хил дори-дармон, дез воситалари ва тиббий буюмлар сотиб олиш учун ажратилган маблағдан самарали фойдаланиш мақсадида қуйидаги корхоналарнинг танлов учун тижорат таклифлари ўрганиб чиқилди.

Танловда ташриф буюрган товар (иш, хизматлар) етказиб берувчилар **“GULISTON GOLD TA'MINOT” МЧЖ** лари иштирок этиши ва уларнинг тижорат таклифларига асосан нархлари ўрганиб чиқилди.

“GULISTON GOLD TA'MINOT” МЧЖ таклиф қилаётган дори-дармон, лаборатория воситалари, реактив дорилар дез воситалари ва тиббий буюмларининг умумий суммаси **9 998 150** сўмни, ташкил этмоқда,